

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

301 Курилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармонини бажариш юзасидан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бинолар ва иншоотларни қуриш учун дастлабки-рухсат берувчи ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашда рухсат берувчи тартиботлар муддатлари ва қийматини қисқартириш, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Курилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 13-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 30 май,
150-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 30 майдаги 150-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни
бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва
қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармонида мувофиқ қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни беришда, шу жумладан дастлабки-рухсат берувчи ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашда тартиботларни амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда қурилаётган объектларни уларнинг ўлчамлари ва тавсифлари бўйича тоифалаштиришни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашув тартибини белгилайди.

2. Объектларни мураккаблик тоифаларига кўра классификациялаш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

**II. Қурилиш учун ер участкаларини танлаш ва ажратиш
бўйича материалларни тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли
органлар билан келишиш қийматини аниқлаш тартиби**

3. Қурилиш учун ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли органлар билан келишиш:

аҳоли пунктларида қуриш учун — туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) томонидан;

аҳоли пунктларидан ташқарида, шунингдек икки ва ундан ортиқ туман (шаҳар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлашган объектларни қуриш учун —

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси таркибига кирадиган туман (шаҳар) хўжалик ҳисобидаги давлат корхоналари томонидан амалга оширилади.

4. Аҳоли пунктларида қурилиш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш ва уларни ваколатли органлар билан келишганлик учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ тўлов ундирилади.

5. Аҳоли пунктларидан ташқарида, шунингдек икки ва ундан ортиқ туман (шаҳар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлашган объектларни қуриш учун ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли органлар билан келишганлик учун ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тўлов ундирилади.

III. Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш муддатлари ва қиймати

6. Туман (шаҳар) фойдаланиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган техник шартлар асосида туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) шартнома асосида архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилишини таъминлайди.

7. Объектларни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш муддатлари ва қиймати ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ белгиланади.

8. Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқишда мураккаблик тоифасига, бажарилаётган ишларнинг кўп меҳнат талаб қилишига ва хусусиятига кўра ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ тузатиш коэффициентлари (оширувчи ёки пасайтирувчи) қўлланади.

Оширувчи коэффициентлар қўлланганда архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш қиймати энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошмаслиги керак.

IV. Лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш

9. Лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатлари қуйидагилар томонидан давлат экспертизасидан ўтказилади:

а) Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш бошқармаси томонидан:

мураккабликнинг I — V тоифаларидаги объектларнинг лойиҳаолди (ДТИХ, ДТИА, ТИХ, ТИА босқичлари) ҳужжатлари ва шаҳарсозлик (ИЛ ва ИХ босқичлари)) бўйича;

хорижий инвестициялар иштирокидаги ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолати остидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳалари бўйича;

реконструкция (реставрация) қилинаётган моддий маданий мерос объектлари бўйича;

янгидан ишлаб чиқиладиган экспериментал ва оммавий тарзда қўлландиган намунавий (базавий) лойиҳалар бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда бошқармалар деб аталади) томонидан — мураккабликнинг I — IV тоифаларидаги объектларнинг шаҳарсозлик (ИЛ ва ИХ босқичлари) ҳужжатлари бўйича.

Алоҳида ҳолларда бошқармалар тегишли асослашлар мавжуд бўлганда ёки Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг топшириғига (рухсатига) кўра мураккабликнинг V-тоифаларидаги объектларнинг, шунингдек республиканинг бошқа минтақаларида жойлашган объектларнинг лойиҳаолди (ДТИХ, ДТИА, ТИХ, ТИА босқичлари) ва шаҳарсозлик (ИЛ ва ИХ босқичлари) ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиши мумкин.

10. Лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатлари давлат экспертизасига буюртмачи томонидан ёхуд томонларнинг келишувига кўра — ҳужжатларни ишлаб чиққан лойиҳалаш ташкилоти томонидан тақдим этилади.

11. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар, шунингдек қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган ва бошқа манбалари ҳисобига амалга ошириладиган, лекин Инвестиция дастурига киритилмаган объектларнинг лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш қиймати ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ белгиланади.

12. Бошқа объектларнинг лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини объектнинг ёнғинга қарши хавфсизлиги ва зилзилага бардошлилиги юзасидан давлат экспертизасидан ўтказиш қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан ошмаслиги керак.

Лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларининг бошқа бўлимларини давлат экспертизасидан ўтказиш қиймати Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бошқармасининг ҳамда давлат экспертизаси ҳудудий бошқармаларининг харажатлари доирасида белгиланади.

Объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича ёнғинга қарши хавфсизлиги ва зилзилага бардошлилиги юзасидан эксперт хулосаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этилган вақтдан бошлаб кўпи билан етти кун муддатда амалга оширилади.

V. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларига назорат функцияларини амалга оширганлик учун ажратмалар миқдорларини белгилаш

13. Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатнома берилган сана Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари (кейинги ўринлар-

да Инспекция деб аталади) томонидан назорат функцияларини амалга оширишнинг бошланиши ҳисобланади.

14. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техникавий тартибга солишнинг норматив ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг сифати ва тўлиқлиги юзасидан назоратнинг амалга оширилганлиги учун Инспекцияларга ажратмалар буюртмачи томонидан қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг (қўшилган қиймат солиғидан ташқари):

0,08 фоизи миқдорида — янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича;

0,05 фоизи миқдорида — мукамал таъмирлаш объектлари бўйича;

б) бошқа объектлар бўйича — лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг:

0,01 фоизи миқдорида — мураккабликнинг I тоифасидаги объектлар бўйича;

0,02 фоизи миқдорида — мураккабликнинг II-III тоифасидаги объектлар бўйича;

0,03 фоизи миқдорида — мураккабликнинг IV-V тоифасидаги объектлар бўйича.

Смета ҳисоб-китоби мавжуд бўлмаган тақдирда ажратмалар суммаси илгари рўйхатдан ўтказилган объектлардаги каби белгиланади.

Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Объектларни мураккаблик тоифалари бўйича КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
1. Электроэнергетика			
1.1.	Гидроэлектр станциялари		V
1.2.	Иссиқлик электр станциялари, буг қозонхоналари		V
1.3.	Электроэнергетиканинг бошқа объектлари		V
2. Нефть, газ ва кўмир саноати			
2.1.	Нефть, газ ва кўмир саноати объектлари		V

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
3. Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари			
3.1.	Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари объектлари		V
4. Газ ва қўмир саноати			
4.1.	Газ ва қўмир саноати объектлари	шу жумладан таъмирлаш корхоналари	V
5. Металлургия ва электротехника саноати			
5.1.	Металлургия ва электротехника саноати корхоналари		V
6. Кон-руда саноати			
6.1.	Кон-руда саноати корхоналари		V
7. Кимё саноати, минерал ўғитлар			
7.1.	Кимё саноати, минерал ўғитлар корхоналари		V
8. Машинасозлик			
8.1.	Машинасозлик объектлари	энергетика, оғир саноат, транспорт, кимё, нефть машинасозлик объектлари	V
9. Станоксозлик ва инструментал саноат			
9.1.	Станоксозлик ва инструментал саноат объектлари		V
10. Асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув тизимлари			
10.1.	Асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув тизимлари корхоналари		V
11. Автомобиль саноати			
11.1.	Автомобиль саноати корхоналари		V
12. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги			
12.1.	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, шу жумладан чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги корхоналари		V
13. Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик			
13.1.	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик корхоналари		V
14. Ҳаракатланадиган таркибни, авиация техникасини таъмирлаш			
14.1.	Ҳаракатланадиган таркибни, авиация техникасини таъмирлаш корхоналари		V
15. Қурилиш металл конструкциялари			
15.1.	Қурилиш металл конструкциялари корхоналари		V
16. Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати			
16.1.	Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати объектлари		V
17. Қурилиш материаллари			
17.1.	Қурилиш индустрияси корхоналари	цемент, бетон, йиғма темир-бетон маҳсулотлари ва шу кабиларни ишлаб чиқариш	V
18. Енгил саноат			
18.1.	Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш корхоналари		V
18.2.	Пиллакашлик фабрикалари (корхоналари)		IV
18.3.	Пойабзал фабрикалари (корхоналар)		IV
18.4.	Пахтани қайта ишлаш заводлари (корхоналари)		V

T/p	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
19. Балиқчилик саноати			
19.1.	Балиқчилик саноати объектлари		V
20. Тиббиёт ва микробиология саноати			
20.1.	Тиббиёт ва микробиология саноати объектлари		V
21. Агросаноат комплекси			
21.1.	Агросаноат комплекси объектлари	муҳандислик инфратузилмаси ривожланган худудларда	III
		ўзлаштирилмаган худудларда	IV
22. Ун-ёрма ва омихта ем саноати			
22.1.	Ун-ёрма ва омихта ем саноати корхоналари		V
23. Ўрмон хўжалиги			
23.1.	Ўрмон хўжалиги объектлари		V
24. Сув хўжалиги қурилиши, ирригация ва мелиорация			
24.1.	Сув хўжалиги қурилиши, мелиорация ва ирригация объектлари	сув омборлари, сугориш, дренаж (қуришти) тизимлари, мелиорация тизимларидаги гидротехника иншоотлари, сугориш насос станциялари, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	V
		мелиорация тизимларида таъмирлаш-тиклаш ишлари, гидротехника иншоотлари, сугориш насос станциялари, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	III
25. Ҳаво ва темир йўл транспорти			
25.1.	Ҳаво ва темир йўл транспорти бинолари ва иншоотлари	вокзаллар, платформалар, аэропортлар, темир йўллар	V
26. Алоқа муассасалари			
26.1.	Алоқа бўлимлари, автоматлаштирилган телефон станциялари		III
26.2.	Почтамтлар, телеграфлар, саралаш боғламалари		IV
26.3.	Алоқа боғламаси бўлган автоматлаштирилган телефон станциялари	шу жумладан радио ва уяли алоқа станциялари	IV
27. Темир йўллар ва автомобиль йўллари			
27.1.	Темир йўллар ва автомобиль йўллари инфратузилмаси объектлари	шу жумладан кўприклар, туннеллар, хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқалар	V
28. Уй-жой қурилиши			
28.1.	Уйларнинг ёнидаги хўжалик ва ёрдамчи иморатлар		I
28.2.	Боғчалар, вақтинчалик, (ёзги) уй-жойлар		II
28.3.	Кўп қаватли турар жой бинолари, комплекслар ва ётоқхоналар	кўп марта қўлланиладиган лойиҳаларни бир-бирига боғлаш	III
		якка тартибдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш	V
28.4.	Кам қаватли уйлар		III
29. Аҳоли яшайдиган жойларни қуриш			
29.1.	Кичик даҳалар, мавзелар, шаҳарсозлик комплекслари қуриш, уй-жойлар ва жамоат бинолари гуруҳлари (уй-жойлар ҳамда жамоат бинолари ва иншоотларини бир-бирига боғлашни ҳисобга олмасдан)	архитектура-режалаштириш ечимлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кичик даҳалар, мавзелар, комплекслар чегараларида рельефни, муҳандислик тармоқларини ташкил этиш	V
29.2.	Кам қаватли коттежлар қуриш		III

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
29.3.	Қўرғон типидagi уйлари қуриш		
29.4.	Жамоа боғлари		I
30. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш (қурилиш лойиҳаларига кирмайдиган мустақил объектлар)			
30.1.	Худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	Қишлоқ аҳоли яшаш жойлари, ободонлаштиришга минимал-норматив талаблар қўйиладиган шароитлардаги коммунал ва саноат худудлари	I
		шамол ва шовқиндан ҳимоя қилувчи полосалар, асбоб-ускуналарсиз ва техник жиҳозланмаган велосипед ва чана, пидедалар йўл-калари (терренкурлар)	I
		ободонлаштиришга қўйиладиган талабларнинг ўртача даражаларидаги шаҳар, дала ҳовли, завод худудлари, кичик меъморий шакллар	II
		ободонлаштиришга оширилган талаблар қўйиладиган худудлар	IV
31. Савдо ва умумий овқатланиш			
31.1.	Вақтинчалик павильонлар, киоскалар, айвонлар ва шу кабилар		I
31.2.	Дўконлар, савдо корхоналари	шу жумладан аралаш ва турлича соҳали корхоналар	III
31.3.	Умумий овқатланиш корхоналари	шу жумладан, кафе, ошхоналар, чойхоналар ва ҳоказолар	III
31.4.	Савдо уйлари, йирик универсал ихтисослаштирилган дўконлар, супермаркетлар, ресторанлар		IV
32. Соғлиқни сақлаш			
32.1.	Поликлиникалар, амбулаториялар, врачлик пунктлари	шу жумладан оилавий, ихтисослашган, кундузги стационарлар	III
32.2.	Препаратлар тайёрланадиган дорихоналар, сут-қатик ошхоналари		III
32.3.	Препаратлар тайёрланмайдиган дорихоналар		II
32.4.	Алоҳида (қўшимча қурилган) тиббиёт хоналари	маслаҳат берувчи, ташхис, стоматология, массаж, косметика ва бошқа тиббиёт хоналари	III
32.5.	Касалхоналарнинг хўжалик корпуслари, тез тиббий ёрдам станциялари, санитария-эпидемиология станциялари		III
32.6.	Касалхоналар, тиббиёт марказлари, даволаш-ташхис корпуслари, касалхона комплекслари	Стандарт асбоб-ускуна ва ёритиш (кўп марталаб қўллаш)	IV
		ноёб асбоб-ускуна ва ёритиш, янги технологиялар	V
		алоҳида даволаш-ташхис корпуслари	III
32.7.	Ўшанинг ўзи, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш шартларида		III
33. Таълим муассасалари			
33.1.	Мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари		IV
33.2.	Олий таълим муассасалари ва кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари		V

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
34. Томоша муассасалари			
34.1.	Кино ва видеофильмларни намойиш қиладиган вақтинчалик павильонлар		I
34.2.	Ёзги эстрада, кинотеатрлар ва рақсга тушиш майдончалари		II
34.3.	500 гача ўринли кинотеатрлар		III
34.4.	500 ўриндан 1000 ўрингачали кинотеатрлар		IV
34.5.	1000 дан ортиқ ўринли киноконцерт заллари ва кинотеатрлар		V
34.6.	Театрлар, цирklar, музейлар, кўрғазма заллари		V
34.7.	Усти очиқ музейлар ва кўрғазмалар		III
35. Матбаа саноати			
35.1.	Матбаа саноати объектлари		V
35.2.	Матбаа хизматлари кўрсатувчи кичик корхоналар		IV
36. Сув таъминоти ва канализация			
36.1.	Ер ости манбаларидан сув олиш комплекслари		V
36.2.	Юза манбалардан сув олиш	дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар ва шу кабилар	V
36.3.	Табиий сувларни, маиший ва ишлаб чиқариш мақсадларидаги оқова сувларни тозалаш иншоотлари		V
36.4.	Сув ўтказгичлар ва тармоқлар (шу жумладан канализациялар, босим канализациялари бундан мустасно)	иншоотларсиз	IV
		иншоотлар билан	V
		мавзелардан ташқарида	III
36.5.	Босим канализациялари тармоғи		V
37. Транспорт, нефть маҳсулотларини сақлаш ва автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари			
37.1.	Автотранспорт корхоналари	автомобиль-йўл механика базалари, автомобиль саройлари, трамвай ва троллейбус деполари	IV
37.2.	Гаражлар	тозалаш иншоотларисиз алоҳида ва бир қаватли гаражлар	II
		тозалаш иншоотлари бўлган гаражлар	III
		кўп қаватли ер ости, ер усти гаражлари	V
37.3.	Автотранспорт тўхтаб туриш жойлари (очиқ)	шу жумладан маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларидаги техник хизмат кўрсатилмайдиган ва таъмирламайдиган кеча-кундуз ишловчи, қисқа муддат бўлишга мўлжалланган тўхтаб туриш жойлари	II
37.4.	Нефть базалари, нефть маҳсулотлари омборлари		V
37.5.	Автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчалари	дизель ёнилғи, бензин	V
37.6.	Газ қуйиш шохобчалари	суюлтирилган ва сиқилган ёнилғи	V
37.7.	Техник хизмат кўрсатиш станциялари		III
37.8.	Ўт ўчириш депоси		IV
38. Илмий-тадқиқот муассасалари			
38.1.	Лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари		III
38.2.	Ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялар		IV

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
38.3.	Академик илмий-тадқиқот марказлари		V
39. Жисмоний тарбия-спорт иншоотлари			
39.1.	Мини-футбол учун майдонлар ва стадионлар	қўшимча биноларсиз минбарли ва минбар остида жойлашган иморатли	II IV
39.2.	Бассейнлар (ҳовузлар)	очиқ ёпиқ	III V
39.3.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари	бассейнли бассейнсиз	V IV
39.4.	Машқ заллари, фитнес-марказлар		III
39.5.	10 000 минг ва ундан ортиқ ўринли очиқ ва ёпиқ стадионлар, спорт саройлари		V
40. Фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимоя қилиш иншоотлари			
40.1.	Радиацияга қарши пана жойлар		V
40.2.	Ер остидаги ихтисослаштирилган жойлар	муҳандислик ускуналарининг автоном тизимларисиз муҳандислик ускуналарининг автоном тизимлари билан	V V
41. Ёнгини ўчиришнинг автоматик қурилмалари, ёнгин ва қўриқлаш сигнализацияси тизимлари			
41.1.	Сплинкер ва дренчер қурилмалари	мавжуд корхоналарда монтаж қилиш лоийҳалаштирилаётган комплекс	V IV
41.2.	Қўриқлаш-ёнгин сигнализацияси		III
42. Газ тозалаш ва чангни тутиб қолувчи иншоотлар			
42.1.	Мавжуд корхоналарда ва лойиҳалаштирилаётган комплексларда мўлжалланаётган қурилмалар	мавжуд корхоналарда ва лойиҳалаштирилаётган комплексларда	V
43. Махсус ишлар			
43.1.	Тупроқни музлатиш, кимёвий мустаҳкамлаш, тушириб қўйиладиган қудуқ усулларини қўллаш		V
43.2.	Қуришда сув сатҳини пасайтириш ва дренаж		IV
44. Шаҳар инфратузилмасининг муҳандислик иншоотлари			
44.1.	Магистраллар ва сув қувури тармоқлари, хўжалик-маиший ва ёмғир сувини оқизувчи канализациялар, газ таъминоти, алоқа, электр таъминоти, электр билан ёритиш, телевидение, радио	иморатлар ва ер ости коммуникациялари бўлмаган ҳудудда лойиҳалаштириш ва қуриш ер ости коммуникациялари мавжуд бўлган тақдирда шаҳар кириш йўллари ва шаҳарнинг қурилган қисмлари бўйича лойиҳалаштириш ва қуриш темир йўллари ёки метрополитенни кесиб ўтган, мураккаб гидрогеологик шароитларда ёпиқ ўтишни ва ишларни бажаришнинг махсус усулларини қўллаган ҳолда ер ости ва ер усти иншоотларининг бевосита яқинида лойиҳалаштириш ва қуриш	IV V
44.2.	Алоқани бошқариш, электр энергиясини ва бошқа энергия манбаларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари	автоном объектлар сифатида лойиҳалаштириш ва қуриш (лоийҳа-қурилиш комплексларидан ташқарида)	IV
44.3.	Ишлатилаётган марказий иссиқлик пунктлари, буг қозонхоналари		IV
44.4.	Шаҳар транспорти иншоотлари, кўприклар, туннеллар, йўл ўтказгичлар,	иморатлар қурилмаган ҳудудда лойиҳалаштириш ва қуриш	IV

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
		иморатлар қурилган ҳудудларда лойиҳалаштириш ва қуриш	V
		ер ости тармоғи ривожланган ҳудудларда лойиҳалаштириш ва қуриш	V
44.5.	Шаҳар транспорт магистраллари, кўчалар, йўллар, трамвай йўллари, мавзелар ичидаги кириш йўллари, транспорт остин-устун ўтадиган чорраҳалар, автомобиль тўхташ жойлари, жамоат транспортини қўриқлаш ва сақлаш учун охириги станциялар ва майдончалар (шу жумладан хизмат кўрсатиш учун иншоотлар билан биргаликда), пиёдалар кўчалари, йўлақлар, боглардаги хиёбонлар ва йўлчалар	шаҳарнинг иморатлар қурилмаган ҳудудида, мақсадли қизил чизиқлар, белгилар ва кўндаланг кўриниш бўйича, 5 фоздан 40 фозгача нишаб жойлар рельефида лойиҳалаштириш ва қуриш	IV
		мақсадли қизил чизиқлар, белгилар ва кўндаланг кўриниш бўйича ёки рельеф шаклланган таянч иморатли ёки 40 фоздан ортиқ нишаб ҳудудларда лойиҳалаштириш ва қуриш	V
		ирригация тизими мавжуд бўлганда ёки қизил чизиқларга, белгилар ва кўндаланг кўринишга тузатиш киритган ва уларни ишлаб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш	V
44.6.	Коммуникация туннеллари (ер ости коммуникациялари учун коллекторлар) ва иссиқлик тармоқлари	шаҳарнинг иморат қурилмаган ва ер ости коммуникациялари мавжуд бўлмаган ҳудудида лойиҳалаштириш ва қуриш	IV
		шаҳарнинг қурилган қисмида бошқа ер ости коммуникациялари билан ёки мавжудлари билан биргаликда лойиҳалаштириш ва қуриш	IV
		махсус усуллар, яқка тартибдаги конструкциялар, ёпиқ ўтиш жойлари қўлланган, метрополитен ёки темир йўллар кесиб ўтилган, коммуникациялар аралаш ўтказилган мураккаб гидрогеологик шароитларда лойиҳалаштириш ва қуриш	V
44.7.	Шаҳар сув ҳавзалари	хўжалик мақсадлари ва ичимлик сув таъминоти учун мўлжалланмаган сув ҳавзалари	IV
44.8.	Сугориш ва сув ажратиш тармоқларида, сунъий сув ҳавзаларидаги гидротехник иншоотлар		V
44.9.	Электр коррозиясидан фаол ҳимоя қилиш	катод ҳимоя станциялари ва бошқалар	IV
45. Маҳаллий озиқ-овқат саноати			
45.1.	Новвойхоналар		III
45.2.	Иссиқхона хўжалиги объектлари	мураккаб асбоб-ускуналарсиз	II
		янги технологиялар ва асбоб-ускуналарни қўллаган, автоматлаштирилган бошқарув тизимида	III
45.3.	Консервалар, пазандачилик, колбаса, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари		IV
46. Меҳмонхона хўжалиги			
46.1.	Меҳмонхоналар, отеллар	3 юлдузликгача	IV
		4 юлдузли ва ундан юқори	V
47. Дам олиш ва туризм муассасалари			
47.1.	Палатали оромгоҳлар, туристик бошпаналар, тўхташ жойлари, чанғи базалари		I

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
47.2.	Кемпинглар, мотеллар, туристик базалар, ёзги оромгоҳлар, дам олиш базалари, альпинистларнинг бошпаналари		III
47.3.	Йил бўйи фойдаланиладиган оромгоҳлар		IV
47.4.	Пансионатлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, 500 тагача ўринли санаторийлар		IV
47.5.	500 ва ундан кўп ўринли санаторийлар, олий разрядли туристик комплекслар		V
48. Маданий-маърифий муассасалар			
48.1.	Ўйинлар ва рақсга тушиш учун вақтинчалик павильонлар		I
48.2.	Маданият боғларида қироатхонлик учун ва кўргазмали павильонлар		II
48.3.	Кўргазма заллари, қишлоқ клублари ва музейлари		III
48.4.	Маданият уйлари, кутубхоналар	Ўқувчилар заллари билан ва уларсиз	V
48.5.	Китоб сақлаш жойлари		V
48.6.	Миллий галереялар, маданий марказлар, диний муассасалар (мачитлар, черковлар, синагоглар ва бошқалар)		V
49. Жамоат бинолари ва маъмурий бинолар			
49.1.	Маъмурий бинолар, идора бинолари		III
49.2.	Ижтимоий-сиёсий фаолият марказлари бинолари, бизнес-комплекслар (марказлар), кўп функцияли ижтимоий комплекслар		V
49.3.	Банклар, биржалар, банкларнинг бўлимлари, ҳисоблаш марказлари		V
49.4.	Жамғарма кассалари, мини-банклар, банкларнинг операция бўлимлари		IV
49.5.	Транспорт агентликлари (шу жумладан авиакассалар)		III
49.6.	Юридик маслаҳатлар, адвокатуралар, нотариал идоралар		III
50. Моддий-техника таъминоти объектлари			
50.1.	Қурилиш-монтаж ташкилотларининг ишлаб чиқариш базалари, жамоат транспорти корхоналари ва шу кабилар		IV
50.2.	Сақлаш жойлари, ангарлар, омборлар	мавсумий	II
		йил давомида фаолият кўрсатади	IV
50.3.	Омбор комплекслари	муҳандислик асбоб-ускуналарисиз, соддалаштирилган омбор комплекслари	III
		муҳандислик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган омбор комплекслари	IV
51. Маиший хизмат кўрсатиш объектлари			
51.1.	Ахлатни қайта ишлаш заводлари (корхоналари)		V
51.2.	Ахлатни қайта ишлаш станциялари		V
51.3.	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари (йил давомида фаолият кўрсатадиган), кирхоналар, кийим тикиш ательеси, кимёвий тозалаш шохобчалари, сартарошхоналар, ҳаммомлар ва бошқалар	шу жумладан барча ихтисосликдаги маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, ижарага бериш пунктлари (техник хизмат кўрсатиш станцияларидан ташқари), диний муассасалар ва ибодатхоналар	IV

Т/р	Лойиҳалаштириш ва қуриш объектининг номи	Қурилиш объекти бўйича кўрсаткичлар ва тавсифнома	Мураккаблик тоифаси
51.4.	Соғломлаштириш ҳаммомлари	сауналар, турк ҳаммомлари ва шу кабилар	IV
52. Жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ муассасалар			
52.1.	Тергов изоляторлари, милиция бўлимлари		IV
52.2.	Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари		V

Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги хужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Аҳоли пунктларида объектларни қуриш учун ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли органлар билан келишиш қийматини белгилаш
ТАРТИБИ**

Т/р	Минтақалар	Хизматлар қиймати (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида)
1. Ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ва уларни ваколатли органлар билан келишиш		
1.1.	Тошкент шаҳрида, Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида	2,5
1.2.	вилоятга бўйсунувчи туман марказларида ва шаҳарларда	2,4
1.3.	шаҳарларда ва шаҳар посёлкаларида	2,3
1.4.	аҳолиси 5,0 минг кишидан кўп бўлган қишлоқ посёлкаларида	2,2
1.5.	аҳолиси 5,0 минг кишидан кам бўлган қишлоқ посёлкаларида	2,1
2. Ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш ва уларни ваколатли органлар билан келишиш, ажратиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда		
2.1.	Тошкент шаҳрида, Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида	2,0
2.2.	вилоятга бўйсунувчи туман марказлари ва шаҳарларда	1,9
2.3.	вилоятга бўйсунувчи туман марказлари ва шаҳарларда	1,8
2.4.	аҳолиси 5,0 минг кишидан кўп бўлган қишлоқ посёлкаларида	1,7
2.5.	аҳолиси 5,0 минг кишидан кам бўлган қишлоқ посёлкаларида	1,6

Изоҳ: ушбу қийматлар танлаш ва ажратишнинг барча турларига нисбатан қўлланади, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган, ишларнинг қийматлари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган қийматлар бўйича аниқланадиган объектлар бундан мустасно.

Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги хужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Аҳоли пунктлари ташқарисидаги, шунингдек икки ва ундан кўп туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлашган объектларни қуриш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш материалларини тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли органлар билан келишиш қийматини белгилаш
ТАРТИБИ**

Т/р	Ер участкаси майдони (узала иншоотларнинг узунлиги)	Хизматлар қиймати (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида)
1. Ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ва уларни ваколатли органлар билан келишиш		
1.1.	5 дан 25 гектаргача (узала иншоотларнинг узунлиги — 5 км. гача)	2,5
1.2.	1 дан 5 гектаргача (узала иншоотларнинг узунлиги — 3 км. гача)	2,3
1.3.	0,5 дан 1 гектаргача (узала иншоотларнинг узунлиги — 1 км. гача)	2,1
1.4.	0,5 гектаргача ((узала иншоотларнинг узунлиги — 0,2 км. гача)	1,9
2. Ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш ва уларни ваколатли органлар билан келишиш, ажратиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда		
2.1.	5 дан 25 гектаргача (узала иншоотларнинг узунлиги — 5 км. гача)	2,0
2.2.	1 дан 5 гектаргача (узала иншоотларнинг узунлиги — 3 км. гача)	1,9
2.3.	0,5 дан 1 гектаргача (узала иншоотларнинг узунлиги — 1 км. гача)	1,8
2.4.	0,5 гектаргача (узала иншоотларнинг узунлиги — 0,2 км. гача)	1,7

Изоҳлар: а) майдони 25 гектардан кўп ёки узала иншоотларнинг узунлиги 5 км. дан кўп бўлган иншоотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича ер участкасини танлаш ва ажратиш материалларини тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли органлар билан келишиш қиймати Ўзбекистон Республикаси «Давархитекткурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган нархлар бўйича аниқланади.

б) Ер участкасини танлаш ва ажратиш қийматига қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши зарарлари ва нобудгарчилигини аниқлаш ишларининг қиймати, шунингдек бузиладиган бинолар ва иншоотлар, кўп йиллик ўсимликларнинг баҳоси кирмайди.

Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Объектларни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ)ни ишлаб чиқиш МУДДАТЛАРИ ВА ҚИЙМАТИ

Т/р	Қурилаётган объектлар турлари бўйича АРТни ишлаб чиқиш	АРТни ишлаб чиқиш муддатлари	АРТни ишлаб чиқиш қиймати (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида)
1.	Янги қурилиш учун	10 кун	4,0
2.	Реконструкциялаш, шунингдек ер участкасида илгари бунинг учун фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилган янги объект қурилиши учун	9 кун	3,5
3.	Объектнинг соҳасини ўзгартириш учун	8 кун	3,0
4.	Турар жой биносини турар жой бўлмаган тоифага (ёки нотурар жойни турар жойга) айлантириш учун	6 кун	1,0

Изоҳлар: а) Объектнинг жойлашган жойига кўра АРТни ишлаб чиқиш қийматини аниқлашда қуйидаги тузатиш коэффициентлари қўлланади:

аҳоли 5,0 минг кишидан кам бўлган қишлоқ посёлкаларида — 0,6;

аҳоли 5,0 минг кишидан кўп бўлган қишлоқ посёлкаларида — 0,7;

туманга бўйсунувчи шаҳарларда ва шаҳар посёлкаларида — 0,8;

туманлар марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда — 0,9;

Тошкент шаҳрида, Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида — 1,0.

б) Қурилаётган объектни аҳоли пунктдан ташқарида жойлаштиришда АРТни ишлаб чиқиш қийматига нисбатан 0,6 пасайтириш коэффициенти қўлланади.

в) Қиймати ушбу нархларда назарда тутилмаган ишлар учун тўлов

АРТни ишлаб чиқиш қийматига нисбатан қуйидаги миқдорларда белгиланади:

АРТнинг амал қилиш муддатларига тузатиш киритиш ва уларни узайтириш учун — 20%;

АРТ дубликатлари (нусхалари)ни тайёрлаш учун — 10%.

г) Ушбу нархлар объектларни лойиҳалаштириш учун АРТни ишлаб чиқишнинг барча турларига қўлланади, ишлаб чиқиш қиймати Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган нархлар бўйича аниқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритиладиган объектлар бундан мустасно.

Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**АРТни ишлаб чиқиш қийматини аниқлашда
қўлланадиган тузатиш (ошириш ёки пасайтириш)
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

Т/р	Факторларнинг номлари	Тузатувчи коэффициентлар
1.	Ноёб ва экспериментал объектларни қуришда	1,2
2.	Тарихий иморатни қайта тиклаш зарур бўлганда	1,2
3.	Тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ объектларни жойлаштиришда:	
	муфассал режалаштириш лойиҳаси билан	0,7
	аҳоли пунктнинг бош режаси билан	0,8
	қишлоқ фуқаролари йиғини АПОТ лойиҳаси билан	0,9
4.	Мавжуд бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишда:	
	катта ҳажмли янги қурилишда, шунингдек габаритларни жиддий ўзгартиришда	1,1
	ишлаётган корхонанинг соҳасини ўзгартиришда ёки шарт-шароитларида	1,2
5.	Қурилиши тартибга солинадиган ҳудуд доирасида (туманлар марказларининг ҳамда вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг, шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг марказий қисмида объектлар қуришда, шунингдек объектларни мураккаб геологик шароитли (ҳудудларнинг зичлиги, ҳудудларни тайёрлаш бўйича махсус ишларни амалга оширишнинг зарурлиги, зилзилалар бўлиб туриши, тупроғининг чўқувчанлиги ва юмшоқлиги, сизот сувлар сатҳининг юқорилиги ва бошқалар) объектларни жойлаштиришда	1,2

Т/р	Факторларнинг номлари	Тузатувчи коэффициентлар
6.	Объектларни қуриш қатъиян тартибга солинадиган ҳудуд доирасида (тарихий иморатлар ҳудудида, қурилиш жиҳатидан қимматли тарихий-маданий ва архитектура-шаҳар-созлик иморатлари мавжуд бўлган ҳудудда, дам олиш ва боғ ҳудудидаги майдонларда, шунингдек Тошкент, Нукус шаҳарларининг, вилоятлар марказларининг ва тарихий шаҳарларнинг марказий қисмида) қуришда	1,3
7.	Объектни:	
	вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган йўллар бўйида	1,1
	ҳалқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган йўллар бўйида жойлаштиришда	1,2

Изоҳ: Ноёб объектлар — республика, минтақа ёки умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган объектлар ва комплекслар, техник ва технологик жиҳатдан алоҳида мураккаб объектлар.

Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган, шунингдек қурилиши марказлаштирилган ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига амалга ошириладиган Инвестиция дастурига киритилмаган объектларнинг лойиҳаолди ва шахарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ҚИЙМАТИ

Реперларнинг Т/р	ЛҚИни ишлаб чиқиш қиймати, млн сўм	Эксперт ишлари қийматини аниқлаш учун коэффициентлар, ЛҚИ қийматига нисбатан фоизларда (%)				
		Мураккаблик тоифаси				
		I	II	III	IV	V
0	0,7 гача	21,87	24,30	27,00	—	—
1	1,4	17,49	19,44	21,60	—	—
2	4,2	9,83	10,93	12,15	13,48	—
3	7,0	8,19	9,11	10,13	11,24	—
4	12,6	6,12	6,81	7,57	8,40	9,32
5	18,2	5,03	5,59	6,22	6,90	7,65
6	23,8	4,37	4,86	5,41	6,00	6,66
7	29,4	3,61	4,02	4,47	4,96	5,50

Реперлар-нинг Т/р	ЛҚИни ишлаб чиқиш қиймати, млн сўм	Эксперт ишлари қийматини аниқлаш учун коэффицентлар, ЛҚИ қийматига нисбатан фоизларда (%)				
		Мураккаблик тоифаси				
		I	II	III	IV	V
8	35,0	3,51	3,90	4,34	4,81	5,33
9	40,6	3,18	3,54	3,94	4,37	4,85
10	57,4	2,63	2,93	3,26	3,61	4,00
11	70,0	2,42	2,69	2,99	3,28	3,64
12	105,0	1,86	2,07	2,31	2,56	2,94
13	140,0	—	1,76	1,96	2,17	2,40
14	210,0	—	1,42	1,58	1,75	1,94
15	280,0	—	1,24	1,38	1,53	1,69
16	420,0	—	0,99	1,10	1,22	1,35
17	630,0	—	0,84	0,94	1,04	1,15
18	840,0	—	0,73	0,82	0,91	1,01
19	1064,0	—	0,63	0,71	0,78	0,86
20	1260,0	—	—	0,62	0,68	0,75
21	1540,0	—	—	0,57	0,63	0,69
22	1820,0	—	—	0,53	0,58	0,64
23	2100,0	—	—	0,49	0,54	0,59
24	2380,0	—	—	0,47	0,52	0,57
25	2700,0 ва кўп	—	—	0,46	0,51	0,56

Изоҳлар: а) Лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказишнинг оралик кўрсаткичларга эга бўлган қиймати интерполяция йўли билан аниқланади.

б) Янгидан ишлаб чиқиладиган намунавий (базавий) лойиҳаларни экспертизадан ўтказганлик учун тўлов миқдори 1,2 коэффицентини қўллаган ҳолда аниқланади.

в) Алоҳида масалалар (ишларнинг алоҳида турлари калькуляцияси, машина ва механизмларга харажатлар, пудрат ташкилотининг бошқа харажатлари ва шу кабилар бўйича экспертиза қийматининг ҳисоб-китоби (экспертнинг ҳақиқий меҳнат талаб қилувчанлигини ва эксперт ташкилотнинг амалдаги харажатларини ҳисобга олган ҳолда) бевосита меҳнат сарфларини ҳисоблаб чиқиш усули билан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 30 майдаги 150-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкалари бериш, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 11-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим баравари миқдорида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин: «шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари, ер ва шаҳарсозлик кадастрлари маълумотлари ўрганилади»;

в) 13-банднинг учинчи хатбошига «бош режаси» сўзларидан кейин «(ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш юзасидан шартнома тузишда юридик ёки жисмоний шахс томонидан тақдим этилади)» сўзлари қўшилсин;

г) 14-банднинг ўн учинчи хатбошидаги «максимал тоифадаги» сўзлари «IV ва V тоифалардаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 19-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 20-банднинг еттинчи хатбошидаги «максимал тоифадаги» сўзлари «IV ва V тоифалардаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 25-банднинг саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин: «сув муҳофазаси, экологик, ёнғинга қарши, санитария шартлари ва талаблари (зарурат бўлганда)»;

з) 42-бандда:

биринчи хатбошидаги «белгиланган тартибда» сўзлари чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Архитектура-режалаштириш топшириғи Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари томонидан ишлаб чиқилади. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари-

нинг тегишли рухсатномаси мавжуд бўлганда архитектура-режалаштириш топшириғи туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) томонидан ишлаб чиқилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 52-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 53-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лойиҳалаш ташкилоти қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузилган кундан бошлаб уч кун мобайнида туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси)ни лойиҳа-қидирув ишлари бошланган ва тугалланган муддатларни кўрсатган ҳолда хабардор қилади»;

учинчи — бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

л) 59-банднинг иккинчи хатбошидаги «тўлов шартнома асосида, лекин қурилиш-монтаж ишларининг кўпи билан 0,03 фоизи миқдорида тўланади, смета ҳисоб-китоби мавжуд бўлмаган тақдирда эса — илгари рўйхатдан ўтказилган объектлардаги каби тўланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда тўлов тўланади» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштирилган объектлар қурилиши учун аҳоли пунктлари ташқарисидан ер участкалари бериш тартиби тўғрисида низомда:

а) 10-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим баравари миқдорида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ва, зарурият бўлганда, текширишларнинг бошқа турлари амалга оширилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 13-банднинг ўн тўртинчи хатбошидаги «максимал мураккаблик тоифасига» сўзлари «мураккабликнинг IV ва V тоифаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 17-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 19-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тегишли органлар томонидан ҳулосалар кўрсатилган муддатда тақдим этилмаган тақдирда хўжалик ҳисобидаги давлат корхоналари ер участкаси ажратиш бўйича материалларни тегишли органни хабардор қилган ҳолда келишиш учун туман (шаҳар) ҳокими ҳузуридаги ер участкаларини бериш

301-302-моддалар

— 26 —

23 (575)-сон

(реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга (кейинги ўринларда туман (шаҳар) комиссияси деб аталади) киритади (мураккабликнинг IV ва V тоифаларидаги объектлар бундан мустасно)»;

е) 23-банднинг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«суб муҳофазаси, экологик, ёнғинга қарши, санитария шартлари ва талаблари (зарурат бўлганда)».